



**O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI  
BOSH DAVLAT VETERINARIYA INSPEKTORINING  
QARORI**

**Ҳиндистон Республикасидан ҳайвонлар ва ҳайвонот маҳсулотлари олиб  
кирилишини вақтинча чеклаш тўғрисида**

Халқаро ҳайвонлар соғлиғини ҳимоя қилиш ташкилоти (WOAH) ҳамда очик манбаларда эълон қилинган маълумотларга кўра, Ҳиндистон Республикасининг Ғарбий Бенгалия штатида Нипах вирусининг тарқалиши билан боғлиқ мураккаб эпидемиологик вазият юзага келган.

Ўзбекистон Республикасининг “Ветеринария тўғрисида”ги Қонунининг 2 ва 24 моддалари ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 148-сонли қарорига мувофиқ қарор қиламан:

1. Нипах вирусининг Ўзбекистон Республикаси ҳудудига кириб келишининг олдини олиш мақсадида Ҳиндистон Республикасининг барча ҳудудларидан тирик ҳайвонлар ва кушларни олиб киришга, шунингдек Ҳиндистон Республикасининг Ғарбий Бенгалия штатидан давлат ветеринария хизмати назорати остидаги барча турдаги товарлар импортига (халқаро транзит бундан мустасно) 2026 йил 29 январдан вақтинча чеклов ўрнатилсин.

2. Зарур ҳолларда давлат ветеринария хизмати томонидан эпизоотик жиҳатдан соғлом ҳудудлар бўйича масала алоҳида тартибда кўриб чиқирилиши белгилаб қўйилсин.

3. Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри, шунингдек давлат чегаралари ва транспортдаги бош давлат ветеринария инспекторларига:

- ўрнатилган чекловлар ижроси устидан қатъий назорат ўрнатиш;
- юридик ва жисмоний шахслар ўртасида мазкур чекловлар бўйича тушунтириш ишларини олиб бориш топширилсин.

4. Қўмитанинг Жамоатчилик билан алоқалар бўлими А.Суюнов, ҳудудий Бош давлат ветеринария инспекторларига:

, - мазкур қарор қўмитанинг расмий веб-сайтида ҳамда оммавий ахборот воситаларида ёритилишини, давлат ветеринария хизмати тизимидаги барча орган ва муассасалар, тегишли вазирлик ва идоралар, корхона ҳамда ташкилотлар, шунингдек мулкчилик шаклидан қатъий назар барча юридик ва жисмоний шахсларга етказилишини таъминласин.

5. Инвестициялар ва иноватсияларни жалб этиш бошқармаси (А.Бозоров):

мазкур қарор Ҳиндистон давлат ветеринария хизматига етказилсин.

6. Ушбу қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

7. Ушбу қарорнинг ижросини назорат қилишни ўз зиммамда қолдираман.

Ўзбекистон Республикаси  
Бош давлат ветеринария инспектори  
ўринбосари



Ш. Джаббаров

2

Тошкент ш.,  
2026 йил 01 29 .  
02/19-01-сон